
Таълим муассасаларида “2 апрель – Халқаро болалар китоби куни” муносабати билан тадбирлар ўтказилмоқда.

Болалар ва ўсмирлар адабиёти халқаро кенгаши ташаббуси билан 1967 йилдан буён ҳар йили 2 апрелда Ханс Кристиан Андерсеннинг туғилган кунида болаларда китоб ўқишга меҳр уйғотиш ва эътиборни жалб қилиш мақсадида Халқаро болалар китоби куни нишонланади.

Ушбу сана муносабати билан туманимиздаги таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан тумандаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари иштирокида сана муносабати билан ўтказилган тадбирда таълим муассасасининг иқтидорли ўқувчилари томонидан ўзлари ўқиган китоблардан саҳна кўринишлари ижро этилди.

Шунингдек ўқувчилар томонидан ижро этилган шеър, қўшиқ ва саҳна кўринишлари барчага бирдек манзур бўлди.

2023-04-02 08:36:48